XALQ DEPUTATLARI MIRZACHO‘L TUMAN KENGASHI
Q A R O R I

Gagarin sh. 130300, O‘zbekiston ko‘chasi, 29-uy. Tel: (72) 312-21-11

2022 - yil 19 - yanvar VI-34-2-3-51-K/22 Mirzacho‘l tuman hokimligi

Мирзачўл туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 27, 99-моддалари ҳамдаЖиззах вилоят ҳокимлигимолия бош бошқармасининг 2021 йил 30 декабрдаги №01-20-08-01-39/82–сонли хати ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 5 январ №VI-31-5-3-0-K/22-сонли қарорига асосан 2022 йил учун туман маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг2022 йил 5 январдаги “Жиззах вилоятининг 2022 йилги маҳалллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг5-иловасига мувофиқ Мирзачўл туман маҳаллий бюджетининг даромадлари 41 594 350,0 мингсўм, 6-иловасига мувофиқ маҳаллий бюджет харажатлари 79 660 382,0 минг сўм, тартибга солувчи трансферт 43 603 032,0 минг сўм миқдорида белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2022 йил учун туманнинг даромадлар прогноз режа кўрсаткичлари 1-иловага, туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёри 2-иловага, маҳаллий бюджетнинг 2022 йил учун даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажмлари ва тартибга солувчи трансфертлар миқдори 3-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қонунга асосан 2022йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари туман маҳаллий бюджетида тўлиқ қолдирилади:

-жисмонийшахсларданолинадиган мол-мулксолиғи;

-жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

-жисмонийшахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиганйиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдагитадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

-тадбиркорлик фаолияти бўйича қатъий белгилангансолиқ.

-юридик шахсларнинг фойда солиғи.

-жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

-юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи.

-юридик шахслардан олинадиган ер солиғи.

-бензин, дизель ёқилғиси ва газнингчаканасотувиучун акциз солиғи.

б) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкогол махсулотлари,шу жумладан пиво ва тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғи тушумлари 2021йил 1 июл ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушигамувофиқ ўтказиб берилади.

4. Туман маҳаллий бюджети даромадларининг турлари бўйича прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилги бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг чекланган миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2022 йил учун туман бюджети заҳира жамғармаси ҳажми 751 513.0 минг сўм миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги заҳира жамғармаси маблағларини маҳаллий бюджетда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилишини таъминласин.

7. 2022 йил учун туман бюджетининг йўл қўйиладиган энг кам маблағларимиқдори 6-иловага мувофиқ белгилансин.

8. Туман бюджетида шаклланган қўшимча манбалар молия йили давомида туман Халқ депутатлари Кенгаши қарорлари асосида ишлатилиши белгилансин.Кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни молиялаштириш ҳолатлари юзага келганда тегишли ҳокимларнинг қарор ва фармойишларига асосида ишлатилиб, кейинчалик Халқ депутатлари Кенгашларига ҳисобот бериб борилсин.

9. Туман ҳокимлигимаҳаллий бюджетни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

10. Бюджет ижросининг очиқлилигини таъминлаш мақсадида:

Бюджет маблағи тақсимловчилари:

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин.

Туман ҳокимлиги молия бўлими бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари

олувчилар кесимида туман маҳаллий бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларни ижроси тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтларига ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай жойлаштирсин.

11. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари в.в.б Ж.Омонов, туман молия бўлими(в.в.б Ш.Хасанов), тумансолиқ инспекцияси(Р.Усмонқулов)ларга 2022 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

12. Қарор расмий нашрларда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

13. Мазкур қарор “Мирзачўл овози” газетасида расман эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

14. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ш.Ахмедов**

Халқ депутатлари Мирзачўл туман Кенгашининг
2022 йил 19 январдаги
VI-34-2-3-51-K/22-сон қарорига
1-илова

Мирзачўл туман маҳаллий бюджетларининг 2022 йил даромадлари режаси

минг сўмда

Ҳудуд номи	Жами даромад	шундан			
		Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	Солиқ режаси	шундан	
				Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори	Вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори
ЖАМИ	**41 594 350,0**	**8 222 3500,0**	**33 372 000,0**	**27 835 000,0**	**5 537 000,0**
Мирзачўл тумани	41 594 350,0	8 222 350,0	33 372 000,0	27 835 000,0	5 537 000,0

Халқ депутатлари Мирзачўл туман Кенгашининг
2022 йил 19 январдаги
VI-34-2-3-51-K/22-сон қарорига
2-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Туман номи	Жисмо-ний шахс-лардан олина-диган даромад солиғи	Юридик шахс-лардан олина-диган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (қатъий белгиланган солиқ)	Жисмо-ний шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	Норуда қурилиш материал-лари учун ер қаъридан фойдалан-ганлик учун солиқ	Ижара тўлови	Акциз солиғи: бензин, дизел ёқилғиси ва газ реали-зацияси-дан солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Сув ресурс-ларидан фойдалан-ганлик учун солиқ	Юридик шахс-ларнинг мол-мулкига солина-диган солиқ	Туман маҳаллий бюджетининг бошқа тушуми***
1	Мирзачўл	100	100	0	100	100	100	0	100	100	100	100	100	0

Изоҳ: ***Ер участкаларига булган хукукларни сотишдан тушган пул маблаглари
Бюджет ташкилотлари асосий воситалари сотилишидан туман ва шахар бюджетига тушумлар
Вилоятга бўйсунадиган туман ва шахар бюджетининг бошка тушумлари
Хусусийлаштиришдан тушган тушумлар

Халқ депутатлари Мирзачўл туман Кенгашининг
2022 йил 19 январдаги
VI-34-2-3-51-K/22-сон қарорига
3-илова

Мирзачўл туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Жами даромадлар	шундан			Маҳаллий бюджет харажатлари
		Маҳаллий бюджет даромадлар	Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	Тартибга солувчи трансферт миқдори	
ЖАМИ	**79 660 382,0**	**27 835 000,0**	**8 222 350,0**	**43 603 032,0**	**79 660 382,0**
Мирзачўл тумани	79 660 382,0	27 835 000,0	8 222 350,0	43 603 032,0	79 660 382,0

Халқ депутатлари Мирзачўл туман
Кенгашининг
2022 йил 19 январдаги
VI-34-2-3-51-K/22-сон қарорига
4-илова

Мирзачўл тумани бўйича 2022 йил йиллик даромадлар прогноз кўрсаткичлари

минг сум

№	Манбалар номи	2022 йил учун Контингент режа	шундан	
			туман бюджетига	вилоят бюджетига
	Жами солиқ тушумлари	33 372 000	27 835 000	5 537 000
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	1 374 000	1 374 000	0
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	2 498 000	0	2 498 000
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	15 469 000	15 469 000	0
4	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	495 000	495 000	0
5	Қўшилган қиймат солиғи			
6	Акциз солиғи (бензин, дизел ёқилғиси ва газ учун)	1 733 000	1 733 000	0
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 111 000	1 111 000	0
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	740 000	740 000	0
9	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	3 526 000	3 526 000	0
10	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	1 500 000	1 500 000	0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1 837 000	1 837 000	0
12	Давлат божи	1 332 000	0	1 332 000
13	Жарималар	750 000	0	750 000
14	Давлат унитар корхоналари соф фойдасидан ажратмалар	0	0	0
15	Хусусийлаштиришдан тушум	300 000	0	300 000
16	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	50 000,0	50 000	0
17	Йиғимлар	473 000,0	0	473 000
18	Бошқа тушумлар	184 000	0	184 000

Жами маҳаллий бюджет даромадлари	**33 372 000**	**27 835 000**	**5 537 000**

Халқ депутатлари Мирзачўл туман
Кенгашининг
2022 йил 19 январдаги
VI-34-2-3-51-K/22-сон қарорига
5-илова

2022 йилги Мирзачўл туман бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Туман бюджети
Харажатлар миқдори, Жами		**79 660 382,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**79 660 382,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
1	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**7 083 550,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 083 550,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2	**Халқ таълими бошқармаси**	**5 167 501,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 167 501,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**26 100 888,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	26 100 888,0
	шундан:	
	Туман Соғлиқни сақлаш сақлаш харажатлари	26 018 916,0
	Тиббий-ижтимоий хизматлар бошқармаси	81 972,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4	**Маданият бошқармаси**	**2 028 286,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 028 286,0
	шундан:	
	Маданият сақлаш харажатлари	921 001,0
	Мусика мактаби	1 107 285,0
5	**Туризм ва спорт бошқармаси**	**2 239 019,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 239 019,0
	шундан:	
	Спорт сақлаш харажатлари	2 239 019,0

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Ободонлаштириш бошкармаси)**	**5 116 419,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 116 419,0
	шундан:	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**511 580,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	511 580,0
	шундан:	
	Қишлоқ хўжалиги булимини сақлаш харажатлари	511 580,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8	**Сув хўжалиги бошқармаси**	**924 005,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	924 005,0
	шундан:	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9	**Молия бош бошқармаси**	**1 665 670,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 665 670,0
	шундан:	
	Молия булими харажатлари	1 665 670,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10	**Ветеринария бошқармаси**	**878 128,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	878 128,0
	шундан:	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11	**Бандлик бош бошқармаси**	**719 470,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	719 470,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	**Давлат ҳокимият органлари**	**25 231 462,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	25 231 462,0
	шундан:	
	Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари	1 418 184,0
	Ижтимоий мослашув маркази	48 089,0

	Захира жамғармаси	751 513,0
	Ижтимоий нафақалар	16 279 576,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13	**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Жиззах вилоятидаги ташкилотлари**	**206 221,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	206 221,0
	шундан:	
	Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти	206 221,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14	**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациянинг вилоятдаги ташкилотлари**	**438 847,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	438 847,0
	шундан:	
	Халқ қабулхонаси	56 787,0
	Туман ахборот кутубхона маркази	382 060,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15	**Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси**	**577 717,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	577 717,0
	шундан:	
	1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озик-овкат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16	**Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари**	**771 619,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	771 619,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари Мирзачўл туман
Кенгашининг
2022 йил 19 январдаги
VI-34-2-3-51-K/22-сон қарорига
6-илова

Мирзачўл туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Миқдор**
1	Мирзачўл тумани	**314 000,0**